

## Кўнгли тоза инсонлар

08:19 / 31.12.2018 3206

*Ассалому алайкум! Ҳурматли узтозлар, ҳозир жуда кўп кўнгли тоза инсонлар кўпайиб кетди. Масалан бир одамга жума намозига юр десам у мен бир ҳафта гуноҳ қилиб кейин бориб номоз ўқимайман. намоз ўқимасам ҳам Аллоҳ тилимда эмас дилимда, кўнглим тоза дейдиган инсонлар кўп. Шу масалада тўхталсангизлар.*

**"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

- Ва алайкум ассалом! Ашраф Али Таҳонавий [раҳматуллоҳи алайҳ](#) ўзларининг [китоб](#)ларида: Кўнгил тозаликнинг аломати бўлади. У [Аллоҳ](#) таолонинг ҳар бир қил деганини қилиб қилма деганини қилмасликдир. Уларни қилмасдан туриб кўнглим тоза деювчилар худди итни [тақво](#)сига ўхшаш гапни гапирган бўлади. Одатда итлар сийдигим баданимга тегмасин деб оёғини кўтариб сияди, лекин уйдаги ёш болаларнинг ахлатини еб ҳам қўяверади – деганлар. Уларнинг гаплари шунга ўхшамасмикин? [Валлоҳу аълам!](#)